

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Худайбердиева Наргиза Низомиддин қизи**

Наманган давлат университети 2-курс таянч докторанти

[shin-set-sunan@mail.ru](mailto:shin-set-sunan@mail.ru)

## **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, хирмат кўрсатиши корхоналарида инновация жараёнларини ташкил этиши ва бошқариш зарурияти ёритилган. Кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг хизматлар соҳаси ва соҳани инновацион ривожлантириши борасидаги тадқиқотлари кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида соҳага оид статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Динамик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган ва улар бўйича хуносалар келтирилган.*

**Калим сўзлар:** хизмат кўрсатиши соҳаси, инновацион ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар, хизмат хажми, кўрсатилган хизматлар динамикаси, хизматлар хажмининг мутлақ ўзгариши, арифметик ўртача, йиллик қўшимча ўсиши.

## **ABSTRACT**

*The article describes the role of service sector in national economy and the significance of innovational processes and innovation management in servicing companies. There are reviewed the works of Uzbek and foreign researchers on service economy and innovation development. Besides, the data on service sector*

from a formal website ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)) is analyzed. There are given conclusions according to the dynamic calculations done by the author.

**Keywords:** service sector, innovation development, macroeconomic indicators, the amount of services, the trend of service sector, absolute changes on service amounts, arithmetic average value, yearly average growth

## КИРИШ

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг ривожи иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ва тегишли ташкилотларда инновация жараёнини тўғри ташкил этиш ва самарали бошқаришга боғлиқ. Жаҳон иқтисодиётида тобора улуши ошиб бораётган хизматлар бозори энг тез ўзгарадиган бозор бўлиб, бу соҳанинг инновацион ривожланиши унинг субъектларидан инновация жараёнларини тўғри ташкил этиш ва бошқаришни талаб этади. Хизматлар соҳасида инновация жараёнларини самарали амалга ошириш ва бошқариш мавжуд хизматлар сифатини ошиши ва янги хизматлар таклифини пайдо бўлишига сабаб бўлади ва бу ўз ўрнида миллий иқтисодиётнинг ва жаҳон иқтисодиётининг ўсишига хизмат қилади.

Жамиятнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ҳамда рақамлашув омили таъсирида иқтисодиёт тармоқларининг сервислашуидаги инновациялар оқибатида хизматлар соҳасида сезиларли ривожланиш содир бўлиб, соҳада банд бўлганлар сони ва меҳнатнинг техник таъминланганлиги даражасининг ортиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимизда содир бўлаётган бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида хизматлар соҳасида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлмоқда. Охирги ўн йилликда хизматлар соҳасининг ялпиички маҳсулотдаги улуши жадал ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилда ЯИМ ҳажми 888,3 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан хизматлар соҳасига 357,6 трлн. сўм тўғри келади, ёки унинг ЯИМдаги

улуши 40,3%ни ташкил этади. Аввалги йил(2021)га нисбатан бозор хизматлари 73,2 млрд.сўмга кўп бўлиб, ўсиш суръати 115,9%ни ташкил қилди. Охирги 10 йилда эса хизматлар хажми 6,4 мартаға ўсан. Аҳоли жон бошига қўрсатилган бозор хизматлари хажми 2022 йилда 10030,1 минг сўмга етиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,5%ни ташкил этган, охирги 10 йилликда 5,4 мартаға ошди[1].

Мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодий маконига интеграцияси даражасига қараб хизматлар импорти ва экспортининг ривожланиши бир қатор хизматларнинг мавжуд бўлиши учун янги технологик асосларнинг пайдо бўлишини талаб этади. Шу билан бирга ялпи хизматлар таркибида бозор хизматлари катта улушни ( 60 %дан ортиқ) эгаллади.

Миллий ва халқаро статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонга киритилаётган чет эл инвестицияларининг 40 %дан ортиғи хизматлар соҳасини ривожлантириш ва инновация жараёнларини такомиллаштириш учун жалб қилинмоқда ва бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ушбу соҳаси ривожланишининг долзарблиги ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 60-70 %ни ташкил этади. Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси, одатда, мамлакат тараққиёт даражасини, унинг иқтисодий салоҳиятини акс эттиради. Иқтисодиётнинг реал секторидаги инновациялар натижасида меҳнат унумдорлигининг ортиши миллий иқтисодиётнинг бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига катта сонли меҳнат ва моддий ресурсларни ўtkазиш имконини беради. Ўз-ўзидан хизмат қўрсатиш соҳасида ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги каби инновацияларга талаб ошади.

Иқтисодиёт реал секторидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги авлод, мураккаб, юқори технологик маҳсулотларнинг яратилиши хизматлар соҳасининг ўсиши, хизматлар тури ва хилма хиллигининг ортиши, ушбу соҳасининг техник такомиллашишини, бир сўз билан айтганда инновацион

ривожланишини таъминлайди. Ўз навбатида, инновацияларни амалга ошириш натижасида хизматлар соҳаси миқёсининг кенгайиши хизматларнинг ҳаммабоблиги, иш сифатининг яхшиланиши, товарларга бўлган талабнинг қўпайишига имкон яратади ва, шу тариқа, ишлаб чиқариш миқёси ва иқтисодиётни ривожлантириш умумий макроиктисодий кўрсаткичларининг сезиларли даражада ўсишига таъсир кўрсатади. Юқоридаги фикрлар асосида таъкидлаш мумкинки, хизматлар соҳасининг инновацион ривожланиши иқтисодиётни ривожлантириш омили ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

### Адабиётлар таҳлили

Хизматлар соҳасига берилган дастлабки таърифларни классик иқтисодчилар тадқиқотларида учратиш мумкин, улар техник ҳарактерга эга. Биринчи таъриф Смит(1776) ва Сай(1803)лар томонидан берилган бўлиб, уларнинг фикрича хизматлар ишлаб чиқилиши билан истеъмол қилинадиган маҳсулотлардир[2]. Иккинчи таъриф Сингелман(1974) ва Фучларга тегишли бўлиб, улар ҳамкорликда ишлаб чиқариш тушунчасини келтиришган, яъни хизматлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги киришув(ҳамкорлик)дир дейишишган[3] . Станбак (1980) томонидан келтирилган учинчи ёндашув бўйича хизматларни маҳсулотлардан фарқли равища ташиб бўлмайдиган ва сақлаб бўлмайдиган деб таърифланади[4].

Кўплаб иқтисодчилар томонидан эътироф этилган таърифлардан бири иқтисодчи Ҳилл(1977) га тегишли бўлиб у хизматларга шундай таъриф беради: “хизмат-бирор бир киши ёки иқтисодий бирликка тегишли бўлган маҳсулот ҳолатига, шу киши ёки иқтисодий бирликнинг руҳсати билан, бошқа иқтисодий бирлик томонидан киритилган ўзгартиришдир” [5]. Гадрей(2000) Ҳиллнинг хизмат кўрсатишига берган ушбу таърифини илгари суреб “хизмат учбурчаги”ни тушунтиради[6]. Унинг фикрига кўра, “хизмат фаолияти

Б(истеъмолчи)нинг илтимоси билан Бга тегишли бўлган С бирликка А(хизмат кўрсатувчи) томонидан киритилган ўзгаришдир”. Гадрейнинг таърифидаги С-моддий обьект(М), ахборот(I), билим(K) ёки шахс(I) бўлиши мумкин.

Хизмат тушунчасига мамлакатимиз олимлари ҳам ўз тарифларини беришган, хусусан иқтисодчи олим М.М.Мухаммедов қуйидагича тариф беради: “моддий кўринишга эга бўлмаган, инсон меҳнати билан яратилган барча неъматлар, улар олдиғотди обьектига айланниши ёки айланмаслигидан қатъий назар, битта ибора билан, яъни “хизмат” ибораси билан номланади. Унинг таркибига эса олди-сотди воситасида бозор орқали истеъмолчига бориб етадиган хизмат ҳам, умуман бозорга даҳлдор бўлмаган қисми ҳам киради” [7]. Яна бир иқтисодчи И.С.Очилов “хизмат” тушунчасига “инсон, меҳнат жамоаси, худуд, давлат ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли кўрсатилиши мумкин бўлган фаолияти” деб “хизмат кўрсатиш”га эса “инсон, меҳнат жамоаси, худуд, давлат ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли фаолияти амалга оширилган қисми” дея таъриф келтиради. Яъни “хизмат кўрсатиш” га аниқ манзилга ёналтирилган хизмат сифатида қарайди[8].

Хизматлар соҳасининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 70% дан юқори бўлган Европа ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам ушбу соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги тадқиқотлар 2007-2010 йиллардагина иқтисодчи олимлар эътиборини тортди. У вақтгача хизматлар соҳасида асосан технологик инновациялар жорий қилинган, технологик бўлмаган инновациялар соҳа корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириши масаласи айнан шу даврда тадқиқ қилинди. Буни ўша даврдаги академик журналларда чоп этилган йирик олимларнинг хизматлар соҳасида инновацияларни роли (Mas-Verdu et al. 2010; Zortea-Johnston et al. 2011) ҳамда хизматлар соҳасида инновацион жараёнларни қандай бошқариш тўғрисидаги

(cf., Abreu et al. 2010; Junarsin 2010; Uriona-Maldonado et al. 2010; Ward 2010; Gallouj and Djellal 2010) илмий ишларидан яққол кўриш мумкин[9].

Юқоридаги Европа олимларидан ташқари, рус олимлари З.К.Алиева, В. Е. Пятецкий, Т.Ю.Кикулар нинг тадқиқотларида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион бошқарув масалаларини кўриш мумкин[10]. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш масаласини кўриб чиқишида корхонанинг инновацион ривожи тушунчасига дуч келамиз. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион ривожланиш тушунчасининг бугунги кунда бир неча хил таърифлари бор. Сердюкованинг фикрича инновацион ривожланиш – бу ижтимоий тизим ва иқтисодиёт барча соҳаларининг илм-техника ютуқлари асосида қайта шаклланиши бўлиб, инновацион маданият ва инновацион имкониятни ривожлантиручи лойиҳалар реализациясини таклиф қиласди[11]. Зашукнинг фикрича, инновацион ривожланиш – инновацион жараённинг маълум этапида инновацияни ташкил қилиш ва жорий қилишга қаратилган инсон фаолиятидир[12]. Инновацион ривожланишнинг нисбатан тўлиқ таърифини Михайлов келтириб ўтган, унинг фикрича хўжалик субъектининг инновацион ривожланиши шундай жараёнки, унда илмий билимлар, ғоялар, қашфиётлар ва мавжуд технологиялар янги ва такомиллаштирилган қадриятларга айлантирилади, иқтиодий барқарорлик ва хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ташкилий, ишлаб чиқариш, энергия ва иқтисодий ресурслардан фойдаланишда ўзгаришлар амалга оширилади[13].

### **Тадқиқот методологияси**

Таҳлил жараёнида статистик маълумотларни тўплаш, жадвал ва графиклар, бундан ташқари тасвирий статистика кўрсаткичлари ва ўртача миқдордан фойдаланилди. Мақолада охирги 10 йилликда хизматлар соҳаси ривожланиш ҳолатини статистик баҳолашда динамика қаторларини статистик таҳлил қилиш кўрсаткичларидан, таҳлил ва синтез, ҳамда мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлардан фойдаланиб, статистик кўрсаткичлар аниқланган.

Мақолада хизматлар соҳаси ривожланишини статистик баҳолашда динамик қаторларнинг статистик таҳлили амалга оширилган ҳамда ҳулоса ва таклифлар берилган.

## НАТИЖАЛАР

Хозирги вақтда хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистонда баъзан учинчи сектор деб аталувчи хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнидаги таҳлиллар хизматлар соҳасининг салоҳияти ҳамда инновацион ривожланиши нуқтаи назаридан ўтган йиллар давомида соҳада сезиларли ривожланиш юз берганлигини кузатиш имконини беради (1-жадвал).

**1-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2013- 2022 йиллардаги айрим макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши**  
(трлн. сўм ҳисобида)

| Кўрсаткичлар                 | Йиллар |       |       |       |       |       |       |       |       |       | 2022<br>йилда<br>2013<br>йилдагига<br>нисбатан,<br>марта |
|------------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--|
|                              | 2013   | 2014  | 2015  | 2016  | 2017  | 2018  | 2019  | 2020  | 2021  | 2022  |  |
| Ялпи ички маҳсулот           | 144,6  | 177,2 | 210,2 | 242,5 | 302,5 | 406,7 | 510,1 | 580,2 | 734,6 | 888,3 | 6,1  |
| Саноат маҳсулоти             | 70,6   | 84,0  | 97,6  | 111,9 | 148,8 | 235,3 | 322,5 | 367,1 | 451,6 | 551,1 | 7,8  |
| Истөймол товарлари           | 28,6   | 33,9  | 42,1  | 48,3  | 59,7  | 83,5  | 110,3 | 119,2 | 152,0 | 197,9 | 6,9  |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 66,4   | 81,8  | 99,6  | 115,6 | 148,2 | 187,4 | 216,3 | 249,8 | 317,8 | 364,5 | 5,5  |

|   |      |      |      |      |       |       |       |       |       |       |     |
|---|------|------|------|------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-----|
| Асосий<br>карталга<br>киритилган<br>инвестициялар | 30,5 | 37,7 | 44,8 | 51,2 | 72,2  | 124,2 | 195,9 | 202,0 | 245,0 | 266,0 | 8,7 |
| Курилиш<br>ишлари                                 | 15,2 | 20,1 | 25,4 | 29,4 | 34,7  | 51,1  | 71,2  | 87,8  | 107,4 | 130,8 | 8,6 |
| Чакана савдо<br>товар<br>айланмаси                | 46,9 | 58,1 | 71,2 | 88,1 | 105,2 | 133,2 | 166,1 | 194,8 | 249,5 | 319,3 | 6,8 |
| Хизматлар<br>жами                                 | 55,9 | 68,0 | 78,5 | 97,1 | 118,8 | 150,9 | 193,7 | 220,0 | 283,3 | 357,6 | 6,4 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Миллий иқтисодиётнинг ривожланганлик даражасини мамлакатнинг макроиктисодий кўрсаткичларининг ўрганилаётган даврда барқарор ўсиш тенденциясига эришганлиги билан изоҳлаш ўринлидир. 2013-2022 йилларда мамлакатимизда макроиктисодий кўрсаткичларни барқарор ривожланганлик даражасини кузатишимиз мумкин. Жумладан, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2013 йилда 144,6 трлн. сўмни, 2022 йилга келиб эса 888,3 трлн. сўмни ташкил этган. Ўсиш кўрсаткичи таҳлил этилаётган йилларнинг базис даврига нисбатан 6,1 мартаға ўсиш суръатига эришилган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилда 70,6 трлн. сўмни, 2022 йилда 551,1 трлн. сўмни, ўсиш кўрсаткичи 2022 йилда 2013 йилган нисбатан 7,8 мартани ташкил этган.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига инвестициялар киритилишига ва иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга бор имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Бунинг натижаси сифатида ушбу йўналишда статистиканинг йиллар кесимида мос равишда ўсиш тенденциясига эришилаётганлигини кузатиш мумкин. Асосий капиталга киритилган инвестициялар 2013 йилда 30,5 трлн. сўмни, 2022 йилда

266,0 трлн. сўмни, ўтган 10 йилдаги ўсиш кўрсаткичи 8,7 мартани ташкил этган. Мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражага ўсишида, албатта, хизматлар соҳасининг ўрни юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда яратилган барча хизматлар ҳажми 2013 йилда 55,9 трлн. сўм, 2022 йилда 357,6 трлн. сўмдан иборат бўлиб, кўрилаётган даврда 6,4 мартага ўсган.

Мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар динамикасини миқдорий томондан алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз, бунда мутлақ ўзгариш, ўзгариш суръати, қўшимча ўзгариш суръати, бир фоиз ўзгаришнинг мутлақ моҳияти каби статистик кўрсаткичлардан фойдаланамиз. Бу статистик кўрсаткичлар А.И.Рўзиевнинг статистик тадқиқотларини ўрганиб чиқсан ҳолда танланди[14].

## **2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар динамикасини миқдорий томондан баҳолаш, млрд.сўм**

| Йил<br>лар | Кўрсатилга<br>н<br>хизматлар<br>ҳажми,<br>трлн.сўм | Мутлақ<br>ўзгариш,<br>трлн.сўм |                           | Ўзгариш<br>суръати, % |                           | Кўшимча ўсиш<br>суръати, % |                           | 1%<br>кўшимча<br>ўзгаришни<br>нг мутлақ<br>қиймати |
|------------|--|--------------------------------|---------------------------|-----------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|--|
|            |  | базис<br>усули                 | занжир<br>симон<br>усулда | базис<br>усули        | занжир<br>симон<br>усулда | базис<br>усули             | занжир<br>симон<br>усулда |  |
| 2013       | 55,9   |                                |                           | 100,0                 | 100                       |                            |                           |  |
| 2014       | 68   | 12,1                           | 12,1                      | 121,6                 | 121,6                     | 21,6                       | 21,6                      | 0,56   |
| 2015       | 78,5   | 22,6                           | 10,5                      | 140,4                 | 115,4                     | 40,4                       | 15,4                      | 0,68   |
| 2016       | 97,1   | 41,2                           | 18,6                      | 173,7                 | 123,7                     | 73,7                       | 23,7                      | 0,79   |
| 2017       | 118,8  | 62,9                           | 21,7                      | 212,5                 | 122,3                     | 112,5                      | 22,3                      | 0,97   |
| 2018       | 150,9  | 95                             | 32,1                      | 269,9                 | 127,0                     | 169,9                      | 27,0                      | 1,19   |
| 2019       | 193,7  | 137,8                          | 42,8                      | 346,5                 | 128,4                     | 246,5                      | 28,4                      | 1,51   |
| 2020       | 220  | 164,1                          | 26,3                      | 393,6                 | 113,6                     | 293,6                      | 13,6                      | 1,94   |
| 2021       | 283,3  | 227,4                          | 63,3                      | 506,8                 | 128,8                     | 406,8                      | 28,8                      | 2,2  |
| 2022       | 357,6  | 301,7                          | 74,3                      | 639,7                 | 126,2                     | 539,7                      | 26,2                      | 2,83   |

*Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

*асосида муаллиф томонидан ҳисобланган*

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиб шуни кўришимиз мумкинки, кўрсатилган хизматлар хажмининг 2013-2022 йиллардаги динамикасини миқдорий томондан баҳолаш натижасига қўра, 2022-йилда 2013-йилга нисбатан хизматлар хажмининг мутлақ ўзгариши 301,7 трлн. сўмга, 2021 йилга нисбатан эса 74,3 трлн.сўмга ўзгарган(ошган). Ўзгариш суръатини ҳисоблаганимизда 2022 йилда базис 2013 йилга нисбатан 6,4 марта яқин, 2021 йилга нисбатан эса 26,2 фоизга ошгани маълум бўлди.

Кўрсатилган хизматлар хажмига умумий баҳо бериш учун қаторнинг ўртача даражаларини ҳисоблаш зарур, буни оддий арифметик ўртача формуласи ёрдамида аниқланади:

$$\bar{Y} = \frac{Y_1 + Y_2 + \dots + Y_n}{n} = \frac{\sum Y}{n} \quad (1)$$


$Y_n$  –йиллар бўйича хизматлар хажми;  $n$ - йиллар сони;

(1) Формула ёрдамида 2.2. жадвал маълумотлари асосида 2013-2022 йиллар бўйича ўртача йиллик кўрсатилган хизматлар хажмини аниқлаймиз:

$$\bar{Y} = \frac{1623,8}{10} = 162,38 \text{ трлн.сўм}$$

Хизматлар хажмидаги 10 йиллик ўзгаришни юқоридаги 2.1 расмда ҳам яққол кўриш мумкин, муддат давомида хизматлар хажми доимий ўсиб борган, 2013 базис йилга нисбатан ҳисобланганда, муддатдаги энг кам кўрсаткич 2013 йилда ва энг юқориси 2022 йилда кузатилган. Занжирсимон усулда ҳисобланганда йиллик ўсиш кўрсаткичи 2015 йилда энг паст ва 2021 йилда энг юқори даражага етган.

**1-диаграмма. 2013-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар ҳажми, базис ва занжирсимон усулда хисоблаган мутлақ ўзгариш динамикаси.**



*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишилаб чиқилган.*

Умумий ҳолда таҳдиллар шуни кўрсатадики, Базис 2013 йилга солиширганда энг юқори қўшимча ўсиш кўрсаткичи 2022 йилда кузатилди (5,4 марта), йиллик ўсиш бўйича(занжирсимон усулда) энг юқори даражা 2021 йилда кузатилганини кўриш мумкин(28,8%). Ҳисобланган йиллик қўшимча ўсишнинг энг паст даражаси 2020 йилда кузатилиб, 13,6 % га тенглигини пандемия натижаси сифатида кўрсатишимиш мумкин. 10 йил ичida ўртacha йиллик кўсатилган хизматлар ҳажми эса ҳисоблаб чиққанимиздек, 162,38 трлн. сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш ахолини бандлигини ошириш билан биргаликда уларнинг турмуш фаровонлиги ортишига ва камбағалликнинг қисқаришига замин яратади. Шуни этиборга олган ҳолда худудларни мутаносиб ривожлантириш мақсадида хизмат кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ҳудудий ва соҳалар кесимидағи ўзгаришларни статистик маълумотлар асосида таҳлил қилишга ва таҳлил натижалари асосида мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ тенденцияларни ажратиб олишга ҳаракат қилинди.

Хизматлар соҳасининг мамлакат миқёсидаги ривожланиш даражаси ҳудудлар бўйича ҳам кузатилиб, соҳа қўрилаётган давр оралиғида миллий иқтисодиётнинг қолган тармоқ ва соҳаларига нисбатан жадал ривожланганлигини кўриш мумкин (3-жадвал).

### **3-жадвал. Ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми**

(трлн. сўм ҳисобида)

| <b>Ҳудудлар</b>                      | <b>Йиллар</b> |             |             |             |              |              |              |              |              |              | <b>2022 йил<br/>2013<br/>йилга<br/>нисбатан<br/>марта</b> |
|--------------------------------------|---------------|-------------|-------------|-------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|---|
|                                      | <b>2013</b>   | <b>2014</b> | <b>2015</b> | <b>2016</b> | <b>2017</b>  | <b>2018</b>  | <b>2019</b>  | <b>2020</b>  | <b>2021</b>  | <b>2022</b>  |   |
| <b>Ўзбекистон<br/>Республикаси</b>   | <b>55,9</b>   | <b>68,0</b> | <b>78,5</b> | <b>97,1</b> | <b>118,8</b> | <b>150,9</b> | <b>193,7</b> | <b>218,9</b> | <b>283,3</b> | <b>357,6</b> | <b>6,4</b>  |
| Қорақалпо-<br>ғистон<br>Республикаси | 1,7           | 2,1         | 2,6         | 3,1         | 3,6          | 4,6          | 5,7          | 6,5          | 8,3          | 10,4         | 6,1   |
| Андижон                              | 3,1           | 4,0         | 4,7         | 5,8         | 6,6          | 8,0          | 9,8          | 11,3         | 14,9         | 17,6         | 5,7   |
| Бухоро                               | 2,4           | 3,0         | 3,8         | 4,8         | 5,4          | 6,6          | 8,4          | 9,9          | 12,7         | 15,8         | 6,6   |
| Жizzах                               | 1,0           | 1,3         | 1,7         | 2,2         | 2,5          | 3,3          | 4,3          | 4,9          | 6,4          | 8,0          | 8   |
| Қашқадарё                            | 2,6           | 3,4         | 4,1         | 5,1         | 5,9          | 7,1          | 8,8          | 10,1         | 13,2         | 15,9         | 6,1   |
| Навоий                               | 1,4           | 1,8         | 2,1         | 2,6         | 3,1          | 3,9          | 5,1          | 5,8          | 7,4          | 9,2          | 6,6   |
| Наманган                             | 2,3           | 3,0         | 3,3         | 4,4         | 5,0          | 6,1          | 7,7          | 8,9          | 11,8         | 14,7         | 6,4   |
| Самарқанд                            | 4,0           | 5,1         | 5,8         | 7,2         | 8,3          | 10,0         | 12,8         | 14,3         | 18,7         | 22,7         | 5,7   |
| Сурхондарё                           | 1,9           | 2,5         | 3,1         | 3,8         | 4,5          | 6,1          | 7,0          | 7,9          | 10,4         | 12,9         | 6,8   |
| Сирдарё                              | 0,7           | 0,9         | 1,1         | 1,4         | 1,6          | 2,0          | 2,7          | 3,2          | 4,3          | 5,02         | 7,2   |
| Тошкент                              | 4,4           | 5,5         | 6,4         | 8,1         | 9,3          | 11,3         | 14,6         | 16,7         | 21,5         | 25,9         | 5,9   |
| Фарғона                              | 3,5           | 4,5         | 5,3         | 6,7         | 7,6          | 9,2          | 11,7         | 13,4         | 17,8         | 22,0         | 6,3   |
| Хоразм                               | 1,8           | 2,2         | 2,5         | 3,1         | 3,6          | 4,6          | 5,8          | 6,6          | 8,4          | 10,3         | 5,7   |
| Тошкент ш.                           | 16,3          | 19,8        | 23,1        | 29,5        | 38,7         | 50,2         | 65,8         | 79,5         | 103,9        | 137,4        | 8,4   |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2013-2022 йиллар бўйича динамик қатори таҳлили бошқа худудларга нисбатан юқори кўрсаткичларга Жizzах (8,0 марта), Сирдарё (7,2 марта), Сурхандарё (6,8 марта), Навоий ва Бухоро (6,6 марта) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳри (8,4 марта) да эришилганлигини кўрсатади.

## МУҲОКАМА

Юқоридаги таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, 2013-2022 йилларда мамлакатимизнинг барча худудларида хизматлар ҳажмининг барқарор равишдаги ўсиш тенденциясига эришилган. Бу албатта, ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, хизматлар соҳасини инновациялар асосида ривожлантириш борасида тадқиқотларга кенг имкониятлар яратиш, хизматлар бозорида талаб ва таклифни шакллантириш, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борадиган корхоналарга кенг имкониятлар яратишнинг натижасидир. Айниқса охирги йиллардаги юқори ўсиш кўрсаткичларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналиши – “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” йўналишида белгиланган қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар туфайли эришилди:

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш;
- ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш;
- кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

2022 йил 28- январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” ПФ-60 фармонида кўрсатилганидек, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартиришга эришиш яъни хизматларни инновациялар асосида ташкиллаштириш кейинги йилларда бу соҳада янада юқори натижаларга эришишга хизмат қиласди.

## ХУЛОСА

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва миллий иқтисодиёт тармоқлари кесимида ўтказилган статистик маълумотлар таҳлили асосида Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланишида қўйидаги асосий тенденцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мамлакатимизда жами хизматлар ҳажмининг ўзгариш (ўсиш) даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш даражасидан юқори даражада ортиб борган;
- ҳудудлар бўйича яратилган хизматлар ҳажми кўрсаткичининг 10 йиллик динамик қатори таҳлили бошқа ҳудудларга нисбатан юқори кўрсаткичларга Жizzах (8,0 марта), Сурхондарё (7,3 марта), Бухоро (7,0 марта) вилоятларида хамда Тошкент шаҳри (7,3 марта) да эришилганлигини кўрсатади;

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari. www.Stat.uz.
2. Smith, A. & Skinner, A. The Wealth of Nations: Books I-III. London; New York: Penguin Classics. 1982 Say, J. B. A Treatise on Political Economy; Or the Production, Distribution, and Consumption of Wealth. Philadelphia: Lippincott, Grambo & Co. 1855.

3. Singelmann, J. The Sectoral Transformation of the Labor Force in Seven Industrialized Countries, 1920-1970. *American Journal of Sociology*, 1978. 83(5): 1224–1234. <http://www.jstor.org/stable/2778192>
- Fuchs, V. R. *The Service Economy*. New York: Columbia University Press. 1968.
4. Stanback, T. M. J. *Understanding the Service Economy*. Johns Hopkins University Press. 1979.
5. Hill, T. P. On Goods and Services. *Review of Income and Wealth*, 23(4): 315–338. 1977. <http://dx.doi.org/10.1111/j.1475-4991.1977.tb00021.x>
6. Gadrey, J. The Characterization of Goods and Services: An Alternative Approach. *Review of Income and Wealth*, 2000. 46(3): 369–387. <http://dx.doi.org/10.1111/j.1475-4991.2000.tb00848.x>
7. Muxammedov M.M. va boshqalar. *Xizmat ko‘rsatish va turizmnинг назариy asoslari*. Monografiya.- Samarqand, SamISI, 2016.
8. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари номзоди дисертацияси автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. -26-б.
9. Mas-Verdu F, Ribeiro Soriano D, Roig Dodon S (2010) Regional development and innovation: the role of services. *Serv Ind J* 30(5):633–641  
Zortea-Johnston E, Darroch, J, Matear S (2011) Business orientations and innovation in small and medium sized enterprises. *Int Entrep Manag J*. Online first doi:10.1007/s11365-011-0170-7
- Abreu M, Greenwich V, Kitson M, Savona M (2010) Policies to enhance the ‘hidden innovation’ in services: evidence and lessons from the UK. *Serv Ind J* 30(1):99–118  
Junarsin E (2010) Issues in the innovation service production process: a managerial perspective. *Int J Manag* 27(3.2):616–627
- Uriona-Maldonado M, de Souza LLC, Varvakis G (2010) Focus on practice service process innovation in the Brazilian electric energy sector. *Serv Bus* 4:77–88

Ward R (2010) Customer equality: a creative tool for SMEs in the service industry. How small and medium enterprises can win the battle for innovation. *Serv Bus* 4:37–48

Gallouj F, Djellal F (eds) (2010) The handbook of innovation and services. A multi-disciplinary perspective. Edward Elgar, Cheltenham

10. Алиева З.К. Инновационный менеджмент в сфере услуг // Региональные проблемы преобразования экономики. - 2009. - №1. (0,27 п.л.)

Пятецкий В. Е. Управление инновационными процессами: методологические основы и принципы инновационного менеджмента в управлении предприятиями : учеб. пособие. – М. : Изд-во МИСиС, 2012.

Кику Т. Ю. Управление инновационными процессами : учеб. пособие. – Новосибирск : НГМА, 2005.

11. Сердюкова Ю. С. Инновационная система в регионах России: оценка состояния и развития / Ю.С. Сердюкова, О.В. Валиева, Д.В. Суслов //Регион:экономика и социология. – 2010. – №. 1. – С. 179-197.

12. Защук М. С. Формирование инновационной стратегии торгового предприятия в конкурентных условиях / М.С. Защук // Управление в условиях глобальных мировых трансформаций: экономика, политика, право.2017. – С. 284-287.

13. Михайлов С. Н. Инновационное развитие как основа повышения конкурентоспособности предприятия / С. Н. Михайлов, С. М. Кулиш, А. С.Шаламинова // Вестник экономики, права и социологии. – 2012. – №3. С. 58-61.

14. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a87](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a87)